

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари қардош Қозоғистон етакчиси ва халқига ушбу мамлакат ҳудудидаги кенг миқёсли тошқинлар натижасида инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан ҳамдардлик изҳор этди.

Бундай табиий офатлар кейинги пайтларда минтақамизда кузатилаётган иқлимнинг салбий ўзгаришлари оқибати экани қайд этилди.

Бу борада яқин амалий ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди. Президентлар яқинда

Хива шаҳрида бўлиб ўтган учрашувдаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Минтақавий аҳамиятга молик масалалар ва бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.а.

Учрашув

Ўзбекистон ва Буюк Британия: КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Буюк Британия Ташқи ишлар, ҳамдўстлик ва тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Дэвид Кэмеронни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Буюк Британия сиёсий-дипломатик мулоқотини кенгайтириш, шунингдек, халқаро майдонда конструктив ҳамкорликни давом эттириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни мустаҳкамлаш, парламент алоқаларини фаоллаштириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Мулоқот чоғида кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори даражага кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш, иқлим ўзгариш оқибатларига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Айни чоғда таълим ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида ургуланди. Олий таълимда замонавий соҳалар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, инглиз тилида ўқитиладиган таълим дастурларини кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Дэвид Кэмерон Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, муносиб меҳнат тамойилларини жорий қилиш, гендер тенгликка эришиш, оилавий зўравонликка қарши курашиш борасида ижобий ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди.

Учрашувда кейинги йилларда парламентлараро ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани эътироф этилиб, бу борада ўзаро мулоқотни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

муайян вақт талаб қиладиган, узлуксиз ижтимоий ва тарбиявий жараён



Мушоҳада

Бугунги кунда таълим — мамлакат тараққиётининг энг муҳим пойдевори ҳисобланади. Уни ривожлантириш, аввало, педагог-ўқитувчилар зиммасидадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилаётган қатор йиғилишларда билдираётган фикрларидан ҳали жуда кўп ишлашимиз кераклиги, йиллар давомида тўпланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш зарурлиги, лоқайдлик, бепарволик иллатларидан қутулишимиз

муҳимлигини, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш шартлигини англаш мумкин.

Ўзбекистонда таълим тизими мактабгача таълим, мактаб, коллеж, техникум ва олий ўқув юртидан иборат бўлсада, энг юқори босқич ҳисобланадиган олий таълим инсоннинг шаклланишида, жамиятга интеграциялашувида, мутахассислик олишида асосий омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши кейинги етти йилда 3,5 бараварга оширилгани бежиз

эмас. Қувонарлиси, ўқитувчи йиллар давомида елкасида юк бўлиб келаётган жуда кўп ташвишлардан озод этилди. Бунинг эвазига муаллимдан, зиёлидан фақат фидойилик, ўз устиди кўпроқ ишлаш, замондан ортда қолмаслик талаб этилмоқда. Шу ўринда олий ўқув юртида тайёрланган кадрлар барча соҳада ишларини тасаввур қиладиган бўлса, зиммамизда нақадар масъулиятли вазифа борлигини тушунамиз.

➡ 4

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Маълумки, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга мазмунан бойиб, изчиллик касб этиб бормоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон майдонида олиб бораётган очиклик сиёсати, жумладан, қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган саяё-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Фикр

Эътиборлиси, охириги йилларда олий даражадаги музокара-ларда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирли ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам алмашинувлар йўлга қўйилган. Пировардида Тожикистон билан ҳамкор-ликнинг барча йўналишида салмоқли ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқдамиз. Аммо ушбу натижаларни бундан-да яхшилаш учун етарлича имкониятлар мавжуд. Бунинг учун алоқаларни янада жадаллаштиришимиз талаб этилиши ўз-ўзидан тушунарли.

Яқинда Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон тақлифига биноан мазкур мамлакатга амалга оширган давлат таширфи шу эзгу мақсадга йўналтирилгани билан янада аҳамиятлидир.

Олий даражадаги музокаралар-да етакчилар Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди ҳамда халқаро ва минтақавий даражадаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ташрифнинг муҳим воқеаси

сифатида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома-нинг имзоланишини келтириш мумкин. Қолаверса, турли йўналишларга доир 28 та ҳужжат имзоланди. Шулардан келиб чиқиб ҳукуматларимиз олдиға товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Бу эса икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очилаётганидан дарак беради.

Кези келганда жорий йилнинг 18-19 апрель кунлари Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистон Республикасиға давлат ташрифи доирасида “Гендер тенглигини илгари суриш барқарор ривожланиш мақсади сифатида” мавзуида Ўзбекистон ва Тожикистон хотин-қизлари форуми ўтказилганини таъкидлаш зарур.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БАРЧА ТАШАББУСЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб мамлакатимиз Президентининг 18-19 апрель кунлари Тожикистон Республикасиға амалга оширган давлат ташрифининг муҳим жиҳатлари, кейинги йилларда икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва саяё-ҳаракатлари билан яхши кўшничлик, қардошлик ва дўстона муносабатлар юқори даражага кўтарилгани қайд этилди. Олий даражадаги музокара-ларда икки дўст мамлакат тараққиёти ва халқлари манфаатиға хизмат қиладиган қўллаб-қувватлашга эришилгани, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган тарихий ҳужжатлар имзолангани алоҳида эътироф этилди. Депутатлар корпуси ташриф давомида имзоланган ҳар бир ҳужжат, айниқса, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, мамлакатлар етакчилари томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар икки халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришға хизмат қилишиға алоҳида ургу берди. Ўз навбатида, Тожикистон парламенти билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро мулоқотларни янги босқичға кўтариш бўйича сиёсий партиялар фракциялари, барча кўмиталар тегишли тақлифлар ишлаб чиқиши кераклиги таъкидланди.

Мажлисида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётиға оид бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

Интернет орқали гиёҳвандлик воситаларини сотганларға жавобгарлик кучайтириляпти

Мажлисида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунға хилоф равишда муомаласиға қарши курашишға қаратилган қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси қуйи палатаниннг 5 март куни бўлиб ўтган

мажлисида иккинчи ўқишда қабул қилинган эди. Қонун лойиҳаси билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қонунға хилоф равишда муомалаға киритиш, ушбу жиноятларни вояға етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш



мақсадини кўзламай қонунға хилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий ва жинойи жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддаларнинг тарғиботи ёки рекламаси ёхуд ноқонуний муомаласининг барвақт олдини олишға хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатға юборилди.

➡ 2

Депутатлар — ҳудудларда

ЖОЙЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ва аҳоли хонадонларида бўлиб ҳудуддаги иختисослаштирилган мактаб, “Агро марказ” МЧЖ ҳамда фермер хўжалиқлари фаолияти билан танишди.

Айни жараёнда туманда Сайхунбод тажрибасини жорий қилиш, томорқа ва уй хўжалиқларидаги имко-

ниятларни тўлиқ ишға солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш бора-бора ишлар ҳолати депутатлар томонидан ўрганилди. Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етказилди.

Маҳаллалар ва хонадонларда аҳоли билан ўтказилган мулоқотларда фуқаролар “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилганидан мамнунлиги, бу аҳоли муаммоларини тезкор ва самарали ҳал этиш имконини бераётганини билдиришди.

➡ 2

Қонунчилик палатаси депутатлари “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка етказиш мақсадида ўтган ҳафтада, яъни 17 — 20 апрель кунлари ўз сайлов округларида бўлиб қайтдилар.

Маълумотларға кўра, депутатлар 867 та маҳалла, 287 та ижтимоий соҳа объекти, 239 та корхона ва ташкилотға ташриф буюриб, сайловчилар билан жами 1 500 га яқин учрашувлар ташкил этди. Уларда 35 минг нафарға яқин аҳоли қамраб олинди.



